

Келиннинг сепи ва уй анжомлари (биринчи мақола)



17:00 / 20.02.2025 6114

Барча фақиҳлар келин тушадиган уйни жиҳозлаш ва келиннинг сепи куёвнинг зиммасида эканига иттифоқ қилганлар. Эр келин тушадиган уйни икковлари яшашлари учун мувофиқ ва лойиқ равишда жиҳозлаши шарт. Ундаги кўрпа-тўшак, қозон-товоқ, гиламлар – барча нарсалар куёв томонидан олиб берилган келиннинг мулки ҳисобланади. Куёв улардан ўз мулки сифатида фойдаланишга ҳақли эмас.

– Ҳанафий мазҳабида уй жиҳозларини тайёрлаш худди аёлга нафақа ва кийим бериш каби эрга вожибдир.

– «Маҳр» деб берилган нарсанинг сепга ҳеч алоқаси йўқ. Чунки маҳр сеп ва жиҳоз сотиб олиш учун эмас, келиндан ҳузурланиш муқобилига

бериладиган нарса.

Бир одам маҳрга минг динор берди. Одатда, бунчалик кўп маҳр олган келин кўп сеп билан келар эди. Аммо бу келин оз сеп билан келди. Шундай ҳолатда эр: «Сен кўп жиҳоз билан келишинг керак эди», дейишга ҳаққи йўқ.

- Келин ўзи билан олиб келган сепига ўзи эга ҳисобланади. Эрнинг у нарсаларда ҳаққи йўқ.

- Агар эр маҳрдан ташқари, жиҳоз олишга алоҳида пул берган бўлса, келин ҳеч нарса олмай келса, эр талаб қилиши мумкин. Аммо маълум муддат индамай юрса, рози бўлган ҳисобланади ва кейин талаб қилишга ҳаққи қолмайди.

- Агар ота, урф-одатга биноан, қизига сеп олиб берган бўлса, кейин уни қайтариб олишга ҳаққи йўқ. Ота вафот этгандан кейин бошқа меросхўрлар ҳам ололмайдилар.

- Ота қизи кичкиналик пайтида унга сеп бўладиган нарсани сотиб олиб берган бўлса, кейинчалик орада низо чиқиб, ота: «Омонатга берган эдим», деса, қиз эса: «Сепга берилган эди», деса, ҳужжат-далиллари бўлмаса, қизнинг гапи ўтади. Агар қиз вафот этганидан кейин низо чиқса, унинг эрининг гапи ўтади.

- Агар она уйдаги нарсалардан баъзисини отадан сўрамай қизига берса, ота индамаса, у нарсалар қизга сеп бўлади, қайтариб олиш мумкин эмас.

- Агар куёв қизнинг валийларига тўйни тезлаштириш учун бирор нарса берса, кейинчалик: «Ўша нарсани қайтариб беринглар», дейишга ҳаққи бор. Чунки у нарса ришва - пора ҳисобланади.

Агар келинга ота-онаси сеп ва уй жиҳозлари тайёрлаб беришни истасалар, бу уларнинг муруввати ҳисобланади, мажбурияти эмас.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимага бир чийдухоба, бир меш ва ичига изхир солинган болишни жиҳоз (сеп) қилиб бердилар».

Насай ривоят қилган.

Оламларнинг саййиди бўлмиш зот – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўз жигаргўшалари, аҳли жаннат аёлларнинг саййидаси Фотимаи Заҳро розияллоҳу анҳога қилиб берган сеплари қанчалик камтарона, қанчалик содда.

Бу ҳолатни билгандан кейин бугунги кунга бир назар солайлик. Бошқаларни қўйиб туриб, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга умматлик даъвосини қилаётганларга кўз ташлайлик.

Қиз бола туғилганидан бошлаб емай-ичмай, едирмай-ичирмай сеп тўплаб, бўлган-бўлмаган нарсани йиғиб, жамлаб юрадиганларга нима дейиш мумкин?

Сеп масаласини никоҳнинг асосий ва марказий масаласига айлантирувчиларга нима деймиз?

Келиннинг эпига эмас, сепига қарайдиган қудаларга нима деймиз?

Сеп туфайли келиб чиқаётган уриш-жанжалларга-чи?

Нима ҳам дер эдик. «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўрناق олинг, оталар!» – деймиз.

«Фотимаи Заҳродан ўрناق олинг, қизлар!» – деймиз.

«Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳудан ўрناق олинг, куёвлар!» – деймиз.

Сеп масаласида оилавий келишмовчиликлар кўп чиқишини кўзда тутиб, уламоларимиз бу масалани батафсил ёритиб берганлар.

Энди бу масалада бугун юз бераётган машмашаларга бир назар ташлайлик, инсоф билан мулоҳаза қилайлик.

Бугунги кунда бу масалада ишлар шариат кўрсатмаларига тамоман тескари. Келинга сеп тайёрлаш ҳамда ёш келин-куёвга аталган уйни (нечта хона бўлса ҳам) жиҳозлаш келин тарафга ҳам «фарз», ҳам «вожиб» қилинган. Агар келин тараф бу масалада бир оз бепарволик қилса, бу дунёда куёв тарафнинг лаънатига учрайди, бечора келин улар «тайёрлаб қўйган дўзах»ига тушади. Бунга ҳамма кўникиб ҳам қолган. Биров бу аянчли ҳолатга қарши бирор оғиз гапиришга ҳам журъат қила олмайди.

Имом домлаларимиздан бирларининг айтишларича, бир оилага келиннинг сепи ва тайёрланган жиҳозлари келтирилган. Қуда хола нарсаларни

синчиклаб тафтиш қилган. Тафтиш натижасида бир чойшабнинг Тошкентда тайёрланганлиги, «импортний» эмаслиги аён бўлган. Қуда хола буни ўз оиласи ва ўғлининг шаънига «ор» деб билган ва қиз тарафга қарши аёвсиз уруш очган. «Мани болам Тошкентда тайёрланган чойшабда ётадиган бўлдими?!» – деб айюҳаннос солган. Бу жанжал авж олиб, икки тараф тўйни бекор қилиб, ажралиб кетганлар. Бундан воқиф бўлган имом домла минбардан туриб: «Хотини олиб келган чойшабда ётишни ўзига эп кўрган эркаклар орқамдан намоз ўқимасин!» деб ваъз қилишга мажбур бўлган.

Бунга нима дейиш мумкин?! Бу каби номаъқулчиликларни қаердан ўрганишди одамлар?! Наҳотки келин олаётган она уйни жиҳозлаш ўз оиласининг бурчи эканини тан олиш ўрнига, қуда тарафнинг бир чойшаби ўз ватанининг пойтахтида чиққанлигини айб қилиб, қудалар билан ажрашиб кетса?! Ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар боласига бахт келтира олмасмикан?! Ўзганики боласини бахтли қилиб қўярмикан?!

Инсоф қилиш керак! Ор-номусли бўлиш керак! Оиланинг обрўси келин келтирадиган чойшабда эмаслигини англайдиган бўлиш керак!

Фарғонада туғилиб, ўсиб, Москвага турмушга чиққан татар миллатига мансуб аёл ўша тарафда умумий хожатхонада фаррошлик қилаётган аёлларимиздан бирини кўриб, унга ачиниб, нима учун бу ҳолга тушиб қолганини сўрабди. Жавоб ҳар қандай одамини ларзага соладиган даражада бўлибди. «Қизимни турмушга узатишимиз керак. Мебел ва бошқа керак нарсаларни олгани пулимиз йўқлигидан бегона юртларда шу ҳолга тушиб юрибман», – дебди аёл.

Ўша аёлнинг бу ҳолга тушишига сабаб бўлган бош айби қиз туғиб, қиз боққанидир. Агар онасининг бундай ҳолга тушишига сабаб бўлган ўша фарзанд қиз эмас, ўғил бўлганида онаси келин тарафдан «импортний» мебел ва чойшаб талаб қилган ҳолда уйида гердаиб ўтирган бўлар эди. Агар имконини топса, келин тарафдан ўғлига «махр» ҳам талаб қилган бўларди.

(давоми бор)